“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Хонқа туман болалар санаторияси туридаги ИДМИ“ директори

__________________О.К. Шарипов

«___»____________2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хонқа тумани 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм

## 1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.2 Танлов охирги қиймати 74000000 (Етмиш тўрт миллион ) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайда ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга кадар.

1.5 Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади аванс белгиланган % 30%ни ташкил қилади.

1.6 Етказиб берилган махсулот краска бажарган иш хажмидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади агар 2022 йил охиригача хисоб фактурага асосан бажарилган иш ёки етказилган махсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса хам шартнома тўлик бажарилмаган деб хисобланади.

## 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Хонқа туман болалар санаторияси туридаги ИДМИ(бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Хонқа тумани киркёп кишлоги

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3 Танлов Хонқа туман болалар санаторияси туридаги ИДМИБуюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

## 3. Танлов иштрокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда махсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 30% миқдордаги айланма маблағларнининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар хизматларни махсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган мехнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисида маълумот; Низом гувохнома маблағ микдори устав фонд.

3.3 Агар танлов предмети бўлган махсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштрок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, хамда муассасалик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

## 4.Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (Etendr.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкун;

-Тақдим қилинган хужжатларнинг хақиқийлигига ва маълумотларнинг хақонийлигига тўлик жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш хуқуқига эга.

## 5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкун;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

## 6. Томонларниниг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товарни (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидалари доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади;

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштрокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бош хисобчи: У.Ю Юсуфов